

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗМЕТОВ БАХТИЯР АБДИРАХИМОВИЧ

**ДИАБЕТИК ПАНЖА СИНДРОМИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ОЁҚЛАР
КИЧИК ВА ЮҚОРИ АМПУТАЦИЯЛАРИНИ ҲАЁТ СИФАТИГА
ТАЪСИРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Рузметов Бахтияр Абдирахимович

Диабетик панжа синдроми бўлган беморларда оёқлар кичик ва юқори
ампутацияларини ҳаёт сифатига таъсири 3

Рузметов Бахтияр Абдирахимович

Влияние малых и высоких ампутаций нижних конечностей на качества
жизни у больных синдромом диабетической стопы 27

Ruzmetov Bakhtiyar Abdirakhimovich

Influence of small and high lower limb amputations on the quality of life in
patients with diabetic foot syndrome 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РУЗМЕТОВ БАХТИЯР АБДИРАХИМОВИЧ

**ДИАБЕТИК ПАНЖА СИНДРОМИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ОЁҚЛАР
КИЧИК ВА ЮҚОРИ АМПУТАЦИЯЛАРИНИ ҲАЁТ СИФАТИГА
ТАЪСИРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3911 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг веб саҳифаси (www.tashmeduni.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Матмуротов Қувондиқ Жуманиёзович**
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Назаров Шохин Қувватович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Тожикистон Республикаси)

Бабажанов Ахмаджан Султанбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилотлар: **Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.07 рақамли Илмий Кенгашнинг 2026 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тел./факс: (+99871) 150-78-28; e-mail: info@tashmeduni.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тел.: (+99871) 214-82-90;

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ў.С.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А.Ирназаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

М.М.Мирзахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда қандли диабет касаллиги - дунёдаги энг кенг тарқалган эндокрин касалликдир. 2025 йилги IDF Diabetes Atlas маълумотларига кўра, дунёда 589 миллион қандли диабет билан касалланган бемор рўйхатга олинган ва прогнозларга кўра, 2050 йилга келиб 853 миллион киши қандли диабетдан азият чекади¹. Ҳозирги вақтда жабрланганларга ёрдам кўрсатишнинг ривожланишига қарамасдан, техноген, табиат ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ травматизм даражасининг тўхтовсиз ўсиб бориши қайд этилмоқда. Шунингдек, «...узоқ муддатда оёқларга бевосита таҳдид соладиган бир қатор касалликлар мавжуд, масалан, артерияларнинг облитерацияловчи касалликлари, онкологик касалликлар ва бошқалар...»². Қандли диабет (ҚД) бўлган беморларда гангрени ривожланиш эҳтимоли ва шу билан оёқлардан ажралиш хавфи икки барабар ортади. Даволаш давомида зарарланган оёқни ҳар доим ҳам сақлаб қолиш имкони бўлмайди. Оёқлар ампутацияси ўтказилган беморларни реабилитация қилиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу гуруҳга энг ижтимоий фаол ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги, яъни 20 ёшдан 59 ёшгача бўлган инсонлар киради, бу эса жамият шунингдек давлат учун ҳам катта иқтисодий йўқотишларга олиб келади.

Ампутация оёқнинг қайси соҳасида бўлишидан қатъий назар, беморлар учун ҳар доим ҳам катта фалокат бўлиб ҳисобланади. Оёқларни сақлашга қаратилган чора-тадбирларнинг профилактикаси нафақат қон томир жарроҳлари, балки эндокринологлар, йирингли жарроҳлар ва бирламчи бўғин шифокорларининг ҳам асосий вазифасидир. Дастлабки босқичда беморни реабилитация қилишга етарли даражада жарроҳлик ёндашув жиҳатдан жисмоний фаоллик даражасини тиклаш, индивидуал протез билан таъминлаш ва мустақил ҳаракат қилиш қобилиятини тиклашни ўз ичига олади. Юқоридаги реабилитация тадбирлари билан биргаликда ампутация бўлган беморнинг психологик чекловларини камайтиришга ва ижтимоий фаолият даражасини оширишга қаратилган чора тадбирларини олиб бориш жуда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, оёқлар ампутацияси бажарилган беморларда жисмоний ва ижтимоий фаоллик даражасини протезлаш, юқори сифатли протезлаш ва кейинги реабилитацияни ўз ичига олган комплекс ёндашувсиз тўлиқ тиклаб бўлмайди. Ушбу омилларни ҳисобга олмаслик реабилитация давомийлигининг ортишига олиб келади, жисмоний ва ижтимоий фаолликнинг кутилган даражасига эришишга имкон бермайди ва умуман реабилитация тадбирларининг самарасини камайтиради.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган хирургик ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланишининг устувор йўналиши стратегиясида «...аҳоли саломатлигини

¹ IDF Diabetes Atlas. 11th ed. International Diabetes Federation; 2025.

² Бабаджанов Б.Д., Охунов А.О., Матмуротов К.Ж., Моминов А.Т., Атажанов Т.Ш. Особенности резекции костей голени и ее влияние на результат операции при гангрене нижних конечностей на фоне сахарного диабета // Хирургия Узбекистана. – 2019. – №1. – С. 64-72.

муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»³ каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПК-4887-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 ноябрдаги ПК-4891-сон “Фуқаролар саломатлигини таъминлашда доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий жарроҳликда диабетик панжа синдроми (ДПС) фонида оёқларнинг гангренасини жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича кўплаб усуллар ва методикалар ишлаб чиқилган. Аммо эришилган мақсадларга қарамай, салбий натижалар вектори узлуксиз равишда ўсиб бормокда ва жарроҳлар олдида оёқларни сақлаб қолиш билан боғлиқ мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ёки ҳеч бўлмаганда оёқлар диабетик гангрена (ОДГ) бўлган беморларда мос келадиган протезлаш учун таянч қобилиятига эга оёқ панжаси ва оптимал чўлтоқни сақлаш вазифаси турибди. (Ito H., Hayashi T., Nishimura G. 2020; Murphy S.A., Nelson E.T., Palmer W.G. 2020; Hudson P.L., Stanton M.J., Greene A.R. 2021). Реабилитация тактикаси жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда беморларнинг ҳаёт сифатига бевосита таъсир қилади. Ҳар қандай ампутация жарроҳлик аралашувларини ўтказиш ҳар доим индивидуал ёндашувни талаб қилади ва ҳатто ушбу стратегияда ҳам беморларнинг ҳаёт сифатини бевосита яхшилайдиган баъзи қонуниятларга риоя қилиниши керак. ДПС фонида оёқларнинг гангрена бўлган беморларда юқорида кўрсатилган долзарб муаммоларни жамлаш ушбу илмий тадқиқотни ўтказиш учун асос бўлди (Armstrong DG, Boulton AJM, Bus SA. 2017; Owen T.G., Foster J.H., Mills R.S. 2021; Okada J., Ortiz S., Russell K. 2022; Lambert C.B., Gray S.H., Walton P.J. 2022;).

Америка диабет ассоциацияси маълумотларига кўра, бугунги кунда АҚШда оёқларнинг нотравматик ампутацияларининг 80% диабет асоратлари туфайли юзага келмокда. Германияда оёқлар нотравматик ампутациялари 72%нинг сабаби диабет эканлиги кўрсатилган (Karrer S. 2011; Tuncer O. et al. 2024). 86 нафар қандли диабет билан оғриган беморларда ўтказилган тадқиқотда (15-34 ой, проспектив тадқиқот) плетизмография ва панжа босимини ўлчаш пайтида панжа босими юқори бўлган беморларнинг 35 фоизида панжа яраси ривожланган бўлса, панжа босими нормал бўлган

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

беморларнинг ҳеч бирида яра ривожланиши кузатилмаган (Arslan 2022; Güner 2023; Tuncer O. et al. 2024). Диабетик панжа синдроми туфайли амалга оширилган ампутацияларнинг 85% ни беморларни тегишли даволаш билан олдини олиш мумкин, бунда жарроҳлик ишловидан кейин яра нуқсонининг ёпилиши муҳим рол ўйнайди. Яра нуқсони терининг пластик жарроҳлиги орқали ёпилади, бу жароҳатни тез муддатларда даволашга ёрдам беради ва асоратлар хавфини камайтиради. Реконструктив-тикловчи операциялар шикастланган оёқ панжаси тўқималарини тўлиқ тиклаш учун яра нуқсонининг мустақил равишда битиши имкони бўлмаганда амалга оширилади. (К.А.Корейба, А.Р.Минабутдинов, Л.М.Туешев, П.С.Лукин 2019; В.С.Горнаева, Д.А.Молчанов 2022). Оёқларни реваскуляризация қилиш артериал қон оқими оғир морфофункционал ўзгаришлардан келиб чиққан ишемик синдромни камайтириш учун оптимал усул бўлиб, тегишли кўрсатмалар мавжуд бўлса ва аралашувга қарши кўрсатмалар бўлмаса, ДПС билан оғриган барча беморларда амалга оширилиши мумкин (Н.И.Троицкая, К.Г.Шаповалов, В.А.Мудров, Ю.А.Голятин 2020). Ангиосомал йўналтирилган балонли ангиопластика диабетик панжа синдромида оёқлар артерияларини реваскуляризация қилиш учун танлов усулига айланиши мумкинлигини таъкидлаш мумкин. Унинг афзалликлари эндоваскуляр аралашув учун зарур бўлган қисқа вақт, рентген нурланишининг дозасини камайтириш ва қўлланиладиган рентгеноконтраст модда миқдорини камайтиришдир, бу асоратлар хавфини камайтиради, панжадаги яра нуқсонларини даволашни тезлаштиради ва давомийлигини қисқартиради (В.В.Петрова, Г.А.Смирнов, М.Н.Аржелас 2020; В.А.Митиш, Ю. С. Пасхалова 2023).

Ўзбекистонда ўтказилган сўнгги тадқиқотларда муаллифларининг фикрига кўра, оёқларда ампутация сатҳини аниқлашнинг асосий концепцияси бу: маҳаллий ҳолати, доплерография, режалаштирилган ампутация соҳасидаги O_2 тўйинишини аниқлаш, ангиография, термометрия маълумотлари ҳисобланади (Исмаилов С.И., Бердыкулова Д.М. 2012; Камалов Т.Т., 2022; Сафоев Б.Б., Хамдамов Б.З. 2023; Матмуротов К.Ж. ва бошқ. 2024); шу билан бирга, оёқларда ампутация сатҳини аниқлаш учун кўпчилик жарроҳлар режалаштирилаётган ампутация сатҳидаги чуқурда жойлашган юмшоқ тўқималар ва мушаклар ҳаётийлигини аниқлашнинг ампутациядан олдинги экспресс усулларига етарлича эътибор бермагани, ёки эътиборсиз қолдириши, бунда тўқималар ҳаётийлигини экспресс гистокимёвий ва морфологик тадқиқотлари истикболли бўлиб, диабетик панжа синдромининг йирингли-некротик асоратлари бўлган беморларда жарроҳлик даво муваффақиятини оширади (Бабаджанов Б.Д., Саттаров И.С., Атажанов Т.Ш. 2022; Тешаев О.Р., 2023). Юқорида айтилганлар ампутация чўлтоғининг операциядан кейинги асоратларини камайтириш, реабилитацияни имкон қадар тезлаштириш, ҳамда ушбу гуруҳдаги беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берувчи оёқ ампутациясининг мақбул сатҳини аниқлашнинг ишончли усулларни ишлаб чиқишнинг долзарблигини белгилайди.

Янги усуллар ва жарроҳлик тактикалари ёрдамида жарроҳлик асоратларини даволашда ижобий натижалар олинган, бу эса оёқларнинг юқори ампутациялари сонининг камайишида ифодаланади. Бироқ, операция қилинган беморларнинг ярмидан кўпи ҳозирга қадар йирингли-некротик

жараёнининг тарқалиши, маҳаллий тўқималарни нотўғри баҳолаш ва оёқ панжасининг айрим жойларидаги яраларни даволашда тўғри тактика танланмаслиги сабабли такрорий жарроҳлик амалиётларига дуч келмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ва ПЗ-2019071231 “Диабетик панжа синдроми бўлган беморларда йирингли-некротик жароҳатларни даволашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш” мавзусидаги Республика грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оёқлар диабетик гангренаси ривожланган беморларда юқори ва кичик ампутацияларнинг оптимал усуллари танлаш орқали ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кандли диабетда оёқлар гангренаси мавжуд бўлган беморларда кичик ва юқори ампутацияларнинг турли методикаларини ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш;

диабетик панжа синдромини жарроҳлик асоратларида бажарилган ампутацияларни беморларни ҳаёт сифатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда самарадорлигини узоқ муддатда баҳолаш;

оёқлар критик ишемиясида кичик ва юқори ампутацияларини ҳаёт сифатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда кесилиш соҳасини оптимал усулни танлаш;

оёқларнинг диабетик гангренаси бўлган беморларда оёқлар кичик ва юқори ампутацияларини амалга оширишда реабилитация босқичига биноан жарроҳлик стратегияси алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ДПСда оёқлар гангренаси бўлган 311 нафар бемор олинган бўлиб, улар 2017-2022 йилларда Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси ҳузуридаги йирингли жарроҳлик ва кандли диабетнинг хирургик асоратлари бўлимида стационар даволанишда бўлган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида диабетик панжа синдроми фонида гангрена сабабли оёқлари ампутация қилинган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилди: клиник, лаборатор, инструментал, махсус ҳамда статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кандли диабет фонида ривожланган оёқлар критик ишемияси натижасида амалга оширилган ампутацияларда чўлтоқни эрта протезлашнинг амалиётдан кейинги яқин ва узоқ даврларда беморлар ҳаёт сифатини психологик ва функционал мезонларига бевосита таъсири исботланган;

диабетик панжа синдроми жарроҳлик асоратлари ривожланган беморларда бажарилган оёқлар ампутациялари турли хил вариантларида ҳаёт сифати мезонларига таъсир қилиши ва шунингдек оёқлар критик ишемиясида амалий жиҳатдан ёши катта ва кекса беморларда протезлаш мумкин бўлган энг мукаммал усуллари аниқланган;

қандли диабетда ривожланган оёқлар критик ишемияси натижасида панжа дистал зарарланишлари бўлган беморларда яқин ва узоқ даврларда ҳаракатланиш давомида биомеханика ўзгаришларини профилактикаси нуқтаи назаридан оёқ панжасини дистал соҳасидан ампутацияси янги жарроҳлик усули ишлаб чиқилган;

диабетик панжа синдроми фонида критик ишемияси ривожланган беморларда оёқ панжасидаги кичик ва оёқлар юқори ампутацияларида ҳосил қилинган чўлтоқнинг мобиллик даражаси ва ҳаёти сифатига таъсирига кўра жарроҳлик даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қандли диабет фонида оёқларни йўқотиш таҳдидига эга критик ишемияси бўлган беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги даврнинг узоқ муддатларида ҳаёт сифатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, панжада кичик ампутацияларни амалга оширишда мос бўлган жарроҳлик тактикаси аниқланган;

қандли диабетда оёқларни йўқотиш таҳдидига эга критик ишемияси бўлган беморларда панжада кичик операцияларни ва оёқлар юқори ампутацияларини амалга оширишда адекват жарроҳлик усулини танлаш беморларнинг ҳаёт сифатига бевосита таъсир қилишини ҳисобга олган ҳолда, психологик чекловларни сезиларли даражада камайтириши исботланган;

оёқларнинг юқори ва панжа соҳасида кичик ампутацияси бажарилган беморларда реабилитация тадбирлари натижаларини баҳолашнинг комплекс тизими ишлаб чиқилиб, реабилитацион чоралар даражаси ва унинг динамикаси баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий жиҳатдан муҳим бўлиб, қандли диабет фонида оёқлар гангренаси ривожланган беморларда панжада кичик ампутация ва юқори ампутацияларни амалга ошириш натижасида олинган маълумотларнинг ўтказилган таҳлили асосида узоқ муддатларда беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилишини ҳисобга олган ҳолда, жарроҳлик даволаш тактикаси такомиллаштирилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, қандли диабетда оёқларни йўқотиш таҳдидига эга критик ишемия бўлган беморларда оёқ ампутациясини амалга ошириш учун мос тарзда танланган жарроҳлик стратегияси алгоритми ишлаб чиқилиб, ушбу алгоритм жарроҳлик амалиётидан кейинги даврнинг реабилитация босқичида жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар частотасини кескин камайтиришга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диабетик панжа синдроми бўлган беморларда оёқлар кичик ва юқори ампутацияларини ҳаёт сифатига таъсири бўйича олинган илмий натижалар:

биринчи илмий янгилик: қандли диабет фонида ривожланган критик ишемия натижасида оёқлар ампутацияси бажарилган беморларда чўлтоқни эрта протезлашнинг амалиётдан кейинги яқин ва узоқ даврларда ҳаёт сифатини психологик ва функционал мезонларига бевосита таъсири исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 22 майдаги 05-23/28-т-сон билан тасдиқланган «Ампутация голени при критической ишемии нижних конечностей» ва 2023 йил 22 майдаги 05-23/50-т-сон билан тасдиқланган «Реконструктивные операции при синдроме диабетической стопы» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси томонидан 2023 йил 11 августдаги 87-сон, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 7 августдаги №122-І сон ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 3361-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/07-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қандли диабет фонида оёқларни йўқотиш таҳдидига эга критик ишемия бўлган беморларда жарроҳлик амалиётидан кейинги даврнинг узоқ муддатларида ҳаёт сифатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, панжада кичик ампутацияларни амалга оширишда мос бўлган жарроҳлик тактикаси аниқланди. *Иқтисодий самарадорлиги:* критик ишемия бўлган беморларда жарроҳлик амалиёти аралашуви доирасида беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 8-10 кун учун 1941420 сўм. Беморларнинг барча лаборатор-инструментал текширишларига жами 945200 сўм сарфланади. Панжада кичик ампутацияларни амалга оширишда стационар даволаниш 2 кунга қисқариб, иқтисодий кўрсаткич 941500 сўмни ташкил этади (бир нафар бемор учун). Ҳулоса: оёқ панжасида бажариладиган кичик ва тизза бўғимидан юқори ампутацияларнинг стандарт тарзда амалга оширилиши оёқларида критик ишемия ривожланган беморлар ҳаёти сифатини мос равишда 15,7 ва 21,3% га сезиларли даражада пасайтиради ($p \geq 0,005$, $t=32,73$, $df=12,06$). Болдир соҳасидан анъанавий жарроҳлик тактикаси билан ампутациялар бажарилган беморлар узоқ муддатли кузатувида операциядан кейинги чўлтоқ соҳасида трофик ўзгаришлар пайдо бўлиши эҳтимоллиги юқори бўлиши билан ажралиб туради ($p \geq 0,001$, $t=21,48$, $df=9,51$);

иккинчи илмий янгилик: диабетик панжа синдроми жарроҳлик асоратлари ривожланган беморларда бажарилган ампутациялар турли хил вариантларида ҳаёт сифати мезонларига таъсир қилиши ва шунингдек оёқлар критик ишемиясида амалий жиҳатдан ёши катта ва кекса беморларда протезлаш мумкин бўлган энг мукамал усуллари аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 22 майдаги 05-23/28-т-сон билан тасдиқланган «Ампутация голени при критической ишемии нижних конечностей» ва 2023 йил 22 майдаги 05-23/50-т-сон билан тасдиқланган «Реконструктивные операции при синдроме диабетической стопы» номли услубий тавсияномалар

мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси томонидан 2023 йил 11 августдаги 87-сон, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 7 августдаги №122-I сон ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 3361-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/07-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қандли диабетда оёқларни йўқотиш таҳдидига эга критик ишемия бўлган беморларда панжада кичик операцияларни ва юқори ампутацияларни амалга оширишда адекват жарроҳлик усулини танлаш ушбу патология бўлган беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилишини ҳисобга олган ҳолда, психологик чекловларни сезиларли даражада камайтириши исботланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* критик ишемия бўлган беморларда панжада кичик операциялардан фойдаланиш натижасида ижобий натижалар 2 баробар кўп ҳолатда кузатилганлигини ҳисобга олсак, йиллик иқтисодий кўрсаткич 4355000 сўмни ташкил этади. Хулоса: беморларни жарроҳлик даволаш ва амалга оширилган оёқ ампутацияси натижаларини таҳлили шуни кўрсатдики, оёқда мобил чўлтоқни яратиш, бажарилган жарроҳлик амалиётидан кейинги узоқ муддатларда турли хил протезлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан асосий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Амалиётдан кейинги узоқ муддатларда оёқлар ампутацияси самарадорлигини баҳолашнинг мукаммал мезонлари беморларни ижтимоий ҳаётдаги ролини белгилайдиган соғлиқнинг жисмоний ва психологик элементлари ҳисобланади;

учинчи илмий янгилик: қандли диабетда ривожланган оёқлар критик ишемия натижасида панжа дистал зарарланишлари бўлган беморларда яқин ва узоқ даврларда ҳаракатланиш давомида биомеханика ўзгаришларни профилактикаси нуқтаи назаридан оёқ панжаси дистал қисми ампутацияси янги жарроҳлик усули ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 22 майдаги 05-23/28-t-сон билан тасдиқланган «Ампутация голени при критической ишемии нижних конечностей» ва 2023 йил 22 майдаги 05-23/50-t-сон билан тасдиқланган «Реконструктивные операции при синдроме диабетической стопы» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси томонидан 2023 йил 11 августдаги 87-сон, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 7 августдаги №122-I сон ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 3361-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/07-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* оёқларнинг юқори ампутацияси ва панжада кичик ампутацияси ўтказилган беморларда реабилитация тадбирлари натижаларини баҳолашнинг комплекс тизими ишлаб чиқилган бўлиб, у реабилитациянинг эришилган даражасини ва унинг динамикасини баҳолаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* оёқ панжасининг дистал қисмини ампутация қилишнинг янги жарроҳлик усули асосида операциядан кейинги даврда одатда умумий ўртача 2441300 сўм сарфланади. Хулоса: оёқ панжаси дистал гангреналарида ампутациянинг энг

самарали усули Горанжо бўйича модифицирланган ампутация усули бўлиб хисобланади ва беморлар ҳаёт сифатини 11,5% га ошишига олиб келади ($p=0,001$ $t=13,022$). Болдир соҳасидан ампутация бажарилган беморларни эрта протезлаш (50-60 кун ичида) уларнинг жисмоний ҳолатини 9,5% га яхшилади ($p=0,005$ $t=15,241$). Тизза бўғимидан юқорида амалга оширилган ампутацияларида 58,9% ($p=0,001$ $t=12,73$) ҳолларда Гритти-Шимановски усули бўйича тизза қопқоғининг сақлаб қолиниши ҳаёт сифати барча кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келади (таққослаш гуруҳида – 15,2%);

тўртинчи илмий янгилик: диабетик панжа синдроми фонида критик ишемияси ривожланган беморларда бажариладиган оёқ панжаси кичик ва оёқлар юқори ампутацияларида яратилган чўлтоқнинг мобиллик даражаси ва ҳаёти сифатига таъсирига кўра жарроҳлик даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академиясининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 22 майдаги 05-23/28-т-сон билан тасдиқланган «Ампутация голени при критической ишемии нижних конечностей» ва 2023 йил 22 майдаги 05-23/50-т-сон билан тасдиқланган «Реконструктивные операции при синдроме диабетической стопы» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси томонидан 2023 йил 11 августдаги 87-сон, Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2023 йил 7 августдаги №122-I сон ҳамда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2024 йил 23 сентябрдаги 3361-7-107-ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/07-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* оёқларнинг диабетик гангренаси бўлган беморларда оёқлар кичик ва юқори ампутацияларини амалга оширишда жарроҳлик стратегияси алгоритми ишлаб чиқилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* реабилитация муддатларининг қисқариши туфайли беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 3356400 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич эса ўз навбатида 25% гача бюджет маблағларини тежашга олиб келади. Хулоса: оёқ панжаси ампутацияларида узок муддатларда жарроҳлик йўли билан даволашнинг такомиллаштирилган алгоритми ёрдамида такрорий жарроҳлик амалиётлар частотаси 84,6 дан 60,0% гача ($p=0,005$ $t=17,133$) камайди, болдир ампутацияси бажарилган беморларда ҳаёт сифати 24,2%га яхшиланиши кузатилди (мос равишда таққослаш гуруҳида - 42,8, асосий гуруҳда - 67,0%) ($p=0,001$ $t=19,25$). Асосий гуруҳ беморларида тизза бўғими юқори соҳасидан бажарилган ампутациялардан кейинги даврда протезлардан фойдаланиш частотаси - 9,5% га тенг бўлди ($p=0,001$ $t=10,12$) ва бу ўз навбатида таққослаш гуруҳида 0 га тенг бўлди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий – амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 7 та мақола, улардан 6 та республика ва 1 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблигига асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилади, иш натижаларини синовдан ўтказиш ва нашр этиш тўғрисидаги маълумотлар, ҳажми ва диссертациянинг қисқача тузилиши келтирилган.

Биринчи боб (Адабиётлар шарҳи) илмий адабиётларни кўриб чиқишни жамлаган, диабетик панжа синдроми билан оғриган беморларда оёқларнинг критик ишемияси бўлган беморларнинг кўпинча ногиронлигига олиб келадиган оёқларнинг юқори ампутацияларининг юқори частотаси жарроҳлик даволаш тактикасини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Эндovasкуляр даволашнинг ижобий натижаларига қарамай, ДПС асоратлари ва юқори ампутациялар даражаси юқорилигича қолмоқда. Амалиётдан кейинги даврда ёмон натижалар, яъни асоратлар жарроҳнинг ишини ижобий натижага эришиш нуқтаи назаридан мураккаблаштиради. Жарроҳ ҳар доим қийин вазифага дуч келади: оёқ панжасини ёки оёқни сақлаб қолиш мумкинми? ва оёқ ампутацияси амалга оширилгандан кейин нима қилиш керак ёки беморларни қандай олиб бориш керак?

Оёқларнинг юқори ампутациясидан кейинги йирингли асоратларни даволаш бўйича кўп йиллик тажрибамизни ҳисобга олган ҳолда, биз ушбу асоратларнинг мумкин бўлган сабабларини ўрганиш ва аниқлашни, шу орқали оёқлар гангренази бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материали ва усуллари”** деб номланган иккинчи боби беморларнинг хусусиятларига, шунингдек қўлланилган тадқиқот усулларига бағишланган.

Илмий-тадқиқот иши асосида қандли диабет фонида панжанинг кичик ампутацияси ва оёқларнинг юқори ампутацияси ўтказилган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари ётади. 2017-2022 йиллар давомида стационар даволанишда бўлган 311 нафар беморни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари таҳлил қилинди. Беморлар жарроҳлик ёндашувида кўра 2та гуруҳга ажратилган.

Биринчи гуруҳга (таққослаш) анъанавий услубда даволаш усулни индивидуал танлаш билан ампутация амалга оширилган 148 нафар бемор (47,6%) киритилган. Бунда, ҳар бир клиник ҳолат ўз моҳиятига кўра баҳоланган ва янада радикал хусусиятга эга, бу беморлар 2017-2019-йилларда стационар шароитда даволанганлар. Иккинчи гуруҳга (асосий) 2020-2022 йилларда стационар шароитда даволанган ва ампутация амалга оширилган 163 нафар (52,4%) бемор киритилган. Ушбу беморларда

панжанинг кичик ампутацияси ва оёқнинг юқори ампутацияси имкон қадар дисталроқ амалга оширилган ва ушбу жарроҳлик аралашувларининг узок вақт давомида реабилитация даврида ҳаёт сифатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда, қатъий тарзда анча сақловчи хусусиятига эга бўлган жарроҳлик танловидир.

Асосий гуруҳдаги беморларда сақловчи хусусиятига ва модифицирланган ампутация усуллари биз ишлаб чиққан методологияга мувофиқ амалга оширилди, бу диссертация ишининг 4-бобида батафсил тавсифланган.

Тадқиқот учун танланган беморлар барча мезонларга кўра таққосланар эди ва олинган маълумотларнинг ишончлилиги ҳисоб-китобларини таҳлил қилиш учун статистик оғишлар олинмади.

Диссертациянинг **“Оёқларнинг кичик ва юқори ампутацияларидан кейин беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолашнинг комплекс тизими”** деб номланган учинчи бобида таққослаш гуруҳидаги беморларнинг олинган натижалари келтирилган.

Олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, таққослаш гуруҳидаги 91 беморда 61,5% (148) клиникамизга қабул қилинишидан олдин панжанинг йирингли-некротик зарарланиши сабабли оёқ панжасида турли хил кичик операциялар ўтказилган.

Панжадаги жарроҳлик амалиётларидан ташқари бу беморларда периферик артериал қон оқимини яхшилашга қаратилган турли хил жарроҳлик аралашувлар амалга оширилган. Ушбу жарроҳлик амалиётлари орасида эндоваскуляр реваскуляризация усуллари устунлик қилди. Очик реваскуляризацияловчи жарроҳлик амалиётлари фақат 7 нафар беморда (18,9%) амалга оширилган, минимал инвазив усулларнинг улуши эса 37 нафар беморларнинг 81,1% ни ташкил этди. Кўпгина ҳолларда беморларга балонли ангиопластика амалга оширилган, бу 64,8% ни ташкил этди.

1-жадвал.

Таққослаш гуруҳидаги беморларда касалхонага келиб тушганда панжада бажарилган кичик жарроҳлик амалиётларининг хусусияти

№	Бажарилган жарроҳлик амалиёти	Таққослаш гуруҳи (n=148)	
		абс.	%
1.	Бармоқлар ампутацияси	39	42,8
2.	Панжанинг метатарзал резекцияси	9	9,9
3.	Флегмонани очиш	28	30,7
4.	Некрэктомия	15	16,5
Жами		91	61,5

Таққослаш гуруҳидаги беморлар мурожаат қилишдан ва стационар шароитда даволаниш учун касалхонага ётқизишдан олдин турли нозологияларга кўра кўп ҳолларда (61,5%) операция қилинган. Кўпинча беморлар бизнинг клиникамизга бармоқ ампутациясидан кейин мурожаат қилганлар - 42,8%. Яллиғланиш жараёнининг тарқалиши сабабли 9 нафар

беморларда (9,9%) панжанинг метатарзал ампутиацияси амалга оширилган. Оғир йирингли зарарланишлар туфайли 28 (30,7%) ҳолатда панжа ва болдир флегмонасини очиш бажарилган. Панжадаги некротик соҳани олиб ташлаш (некрэктомия) 15 нафар беморда (16,5%) амалга оширилган (1-жадвал).

Шуни таъкидлаш керакки, анамнез тўплашда бу беморларда жарроҳлик амалиёти кечроқ амалга оширилган ва бошиданоқ етарли даражада бўлмаган антибактериал терапия ўтказилган. Аммо беморларнинг бизнинг клиникамизга мурожат қилишга мажбур бўлишининг асосий сабаби – бу адекват жарроҳлик санацияси ўтказилмаганлиги ва панжа тўқималарининг артериал қон билан таъминланишининг етарли даражада баҳоланмаганлиги бўлган. Бинобарин, анча оғирроқ клиник ҳолатларда беморнинг оёқларини ва ҳаётини сақлаб қолиш учун уларда такрорий жарроҳлик амалиётларини амалга ошириш талаб этилди.

Ушбу тадқиқот ишига оёқларининг кичик ва юқори ампутиацияларини амалга ошириш мажбурий бўлган беморлар киритилди ва беморларнинг ҳаёт сифатини етарли даражада баҳолаш мақсадида ампутиация амалга оширилмаган беморлар тадқиқотдан четлатилди. Оёқ ампутиациясидан кейин операциядан кейинги даврнинг яқин муддатларида ўлим ҳолати қайд этилган беморлар ҳам ушбу тадқиқотга киритилмади, чунки тадқиқотнинг мақсади оёқ ампутиацияси амалга оширилган беморларнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги даврнинг яқин ва узоқ муддатларида ҳаёт сифатини ўрганишдан иборат.

2-жадвал.

Таққослаш гуруҳидаги беморларда бажарилган жарроҳлик амалиётларининг хусусияти, абс%

№	Бажарилган жарроҳлик аралашувлари	Таққослаш гуруҳи (n=148)	
		абс	%
1.	Шарп бўйича ампутиация	39	26,3
2.	Болдир п/3 соҳасидан ампутиацияси	12	8,1
3.	Болдир ў/3 соҳасидан ампутиацияси	17	11,5
4.	Болдир ю/3 соҳасидан ампутиацияси	34	23,0
5.	Сон п/3 соҳасидан ампутиацияси	21	14,2
6.	Сон ў/3 соҳасидан ампутиацияси	18	12,1
7.	Сон ю/3 соҳасидан ампутиацияси	7	4,7
Жами		148	100

Таққослаш гуруҳида панжадаги кичик ампутиациялар ва юқори ампутиациялар нисбати: 26,3% га 73,7% бўлди. Бунда, панжанинг дистал гангренаси бўлган беморларда фақат Шарп бўйича метатарзал ампутиация амалга оширилган. Ушбу гуруҳда панжа резекциясининг бошқа усуллари амалга оширилмаган. Оёқнинг юқори ампутиацияси 2 гуруҳга бўлинган:

болдир ва сон соҳасидан. Ўз навбатида, уларнинг нисбати - 57,8 % га 42,2% бўлган. Ҳар бир анатомик соҳа (болдир ва сон) суякнинг кесиш соҳасига кўра 3та даражага ажратилган (пастки, ўрта ва юқори учдан бир қисми) (2-жадвал).

Маълумотларни таҳлил қилишда, кўпинча болдир ампутацияси юқори учдан бир қисми соҳасида - 23,0% ва тизза бўғимидан юқорида эса, яъни соннинг пастки учдан бир қисми соҳасида - 14,2% амалга оширилганлиги аниқланди. Деярли барча ҳолларда операциядан кейинги даврда имкониятни йўқотишга олиб келадиган сон соҳасида юқори ампутация (юқори учдан бир қисмида) камроқ амалга оширилган ва 4,7% ни ташкил этган.

Болдирнинг пастки учдан бир қисмини ампутация қилиш кўп ҳолларда гильотин хусусиятга эга бўлиб, кўплаб беморлар чўлтоқ соҳасида йирингли яллиғланиш жараёнини тўхтатгандан кейин режалаштирилган реампутациядан (протезлаш учун таянч қобилиятига эга чўлтоқни шакллантириш) бош тортганлар ва уларда операциядан кейинги яра иккиламчи тортишиш билан битган. Болдир ампутациясини чўлтоқни бирламчи ёпиш билан амалга оширишда, биз амалиётимизда катта болдир суяги резекциясининг такомиллаштирилган усулидан фойдаландик.

3-жадвал.

Таққослаш гуруҳидаги беморларда ДПС шаклига кўра ампутациясининг яқин муддатлардаги натижалари, абс. (%)

Жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари	ДПС шакли			Беморлар сони абс. (%)	χ^2	Р
	Нейро-патик	Нейро-ОАО	Нейро-ишемик			
Чўлтоқнинг бирламчи битиши	46	34	32	112 (75,6)	0,15	>0,05
Чўлтоқнинг о/к ярасининг йиринглаши:	13	4	5	22 (14,8)	0,39	>0,05
- улардан қайта ампутация	2	-	1	3 (2,0)		
Болдир чўлтоғи ишемияси:	3	1	10	14 (9,5)	0,08	>0,05
- улардан қайта ампутация	1	-	5	6 (4,0)		
Жами	62	39	47	148 (100)	27,50	<0,001

Таққослаш гуруҳида йирингли-яллиғланиш жараёнининг локализациясининг энг юқори частотаси панжа ва болдирнинг бир вақтнинг ўзида зарарланиши бўлиб, бу 80та (54,0%) ҳолатда кузатилган. Бу шуни кўрсатадики, касалхонага мурожаат қилган вақтида аксарият беморларнинг умумий аҳволи оғир деб баҳоланган.

Ушбу гуруҳда панжанинг дистал гангренази бўлган беморлар сони (6,1%) энг кам бўлган. 148 нафар бемордан 29тасида (19,6%) панжанинг изоляцияланган катта кўламли зарарланиши кузатилди. Панжанинг

флегмонаси билан асоратланган бармоқларнинг гангренаи 17 та ҳолатда (11,5%) учради.

Таққослаш гуруҳида 148 нафар бемордан 112 тасида (75,6%) операциядан кейинги даврнинг бир текисда енгил кечиши ва чўлтоқнинг бирламчи битиши қайд этилган. Операциядан кейинги яранинг адекват дренажланиши ва етарли даражада антибактериал терапия ўтказилганига қарамай, 22 нафар (14,8%) беморда операциядан кейинги яра йиринглаши ёки чўлтоқ соҳасида флегмона ривожланди. Бунда, 3 нафар (2%) беморда чўлтоқ соҳасида катта ҳажмда йирингли-яллиғланиш жараёни туфайли реампутацияни амалга оширишга тўғри келди (3-жадвал).

14 нафар (9,5%) беморда ишемия фонида операциядан кейинги чўлтоқ соҳасида некротик ўзгариш белгилари пайдо бўлди. Улардан 8 нафар (57,1%) беморда биз адекват консерватив даволаш ёрдамида ишемияни тўхтата олдик. Юмшоқ тўқималарнинг катта ҳажмда некротик зарарланишлари ёки чўлтоқ соҳасидаги ишемиянинг кучайиши туфайли 6 нафар (4,0%) беморда реампутацияни амалга оширишга мажбур бўлдик.

4-жадвал.

Таққослаш гуруҳидаги беморларни даволашнинг яқин ва узоқ муддатлардаги натижалари

Жарроҳлик аралашуви тури	Таққослаш гуруҳи (n=148)					
	3 ойгача			12 ойгача		
	Чўлтоқ соҳа. трофик ўзгаришлар	Такрорий жарроҳлик операциялари	Протездан фойдаланиш	Чўлтоқ соҳа. трофик ўзгаришлар	Такрорий жарроҳлик операциялари	Протездан фойдаланиш
Панжанинг кичик ампутациялари	4 (23,5)	7 (50,0)	1 (6,3)	9 (64,3)	11 (84,6)	2 (6,9)
Болдир соҳасидан ампутация	10 (58,8)	6 (42,8)	15 (93,7)	3 (21,4)	2 (15,4)	27 (93,1)
Сон соҳасидан ампутация	3 (17,6)	1 (7,2)	-	2 (14,3)	-	-
Жами	17 (11,5)	14 (9,4)	16 (10,8)	14 (9,4)	13 (8,8)	29 (19,6)

Жарроҳлик йўли билан даволашнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижаларини ўрганишда биз беморларни ампутация соҳасига қараб ажратдик. Натижаларни баҳолаш мезонлари бўлиб, чўлтоқ соҳасида трофик яралар, чўлтоқ соҳасида такрорий операцияларни бажариш ва беморларнинг протез ёки ортопедик пойабзалдан фойдаланилиши ҳисобланди (4-жадвал).

Яқин муддатларда трофик яранинг пайдо бўлиши 148 нафар бемордан 17 нафарида (11,5%) кузатилди. Кўп ҳолларда (58,8%) бу гуруҳга болдир ампутацияси амалга оширилган беморлар кирди. Кўпинча, яқин муддатларда такрорий операциялар панжа соҳасидан ампутация (50%) қилинган беморларда амалга оширилди. Операциядан кейинги эрта даврда протез

кийган барча беморларнинг 93,7%ни болдир ампутацияси амалга оширилган беморлар ташкил этди.

Ушбу гуруҳда беморларнинг узок муддатли кузатув маълумотлари таҳлил қилинганда, оёқнинг операция қилинган қисми соҳасидаги трофик ўзгаришларнинг пайдо бўлиши оёқ панжаси ампутацияси амалга оширилган беморлар томонга тескари кўрсаткичлар олинди. Ушбу кузатиш даврида бу беморларда трофик ўзгаришларга учраган беморлар сони уч барабар (23,5 дан 64,3% гача) ортиши кузатилди. Қайта жарроҳлик амалиётига муҳтож беморлар сони ҳам ортиб, 84,6% ни ташкил этди.

Олинган маълумотларга асосланиб, узок муддатларда панжанинг метатарзал резекцияси бўлган беморларда чўлтоқ ёки жарроҳлик амалиётидан кейинги яра томонидан асоратларнинг ривожланиш хавфи ортади, деб ҳисоблаш мумкин. Бизнинг тадқиқотимизда таққослаш гуруҳидаги барча беморларга Шарп бўйича панжа ампутацияси амалга оширилган.

Беморларнинг узок муддатларда ҳаёт сифатини табиатини аниқлаш ва баҳолаш учун айнан оёқлари ампутация қилинган беморлар учун ЖССТнинг стандарт шкаласидан фойдаланилди, унда 4та асосий параметрлар мавжуд: жисмоний фаолият, ролли фаолият, зарарланган оёқдаги оғрикнинг интенсивлиги ва соғлиғининг умумий ҳолати. Ўз навбатида, бу мезонлар маълум бир функциянинг оғирлигига кўра 4 та параметрга эга (5-жадвал).

Яқин муддатлардаги кузатишларда олинган маълумотларни таҳлил қилинганда, болдир ампутацияси амалга оширилган беморлар функционал жиҳатдан фаолроқ бўлгани аниқланди. Жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда бу беморларга реабилитация қилиш ва уларни ижтимоий ҳаётга қайтариш мақсадида эрта муддатларда оёқни протезлаш тавсия этилган. Панжадаги кичик ампутацияларда болдир ампутациясига қараганда анча ёмонроқ натижалар олинган, чунки кўп ҳолларда улар панжа чўлтоғида юзага келадиган асоратлар билан боғлиқ бошқа муаммоларга дуч келишган.

5-жадвал.

Оёқ ампутацияси амалга оширилган беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш мезонлари

Оғирлик даражаси Баҳолаш мезонлари	0	1	2	3
Жисмоний фаолияти	Бемор ҳаракатланма йди	Ҳаракатлар чекланган	Хона ичида ҳаракатланади	Ижтимоий ҳаётга қайтган
Ролли фаолияти	Муаммони ҳал қилишда ҳеч қандай роли йўқ	Оилавий ҳаётда кам даражада роль ўйнайди	Оилавий ҳаётда муҳим роль ўйнайди	Жамоавий муаммоларни ҳал қилади
Оғрикнинг интенсивлиги	Йўқ	Кам даражада	Юриш вақтида	Доимий
Соғлиғининг умумий аҳволи	Оғир	Ўртача оғир даражада	Енгил	Қониқарли

Беморларнинг оилавий ҳаётда ва касбий фаолиятидаги ролли фаолияти ҳам болдир ампутацияси амалга оширилган беморларда юқори бўлган. Зарарланган оёқнинг ишлаши туфайли, бу гуруҳдаги беморларда чўлтоқ соҳасида деярли оғриқ бўлмаган, фақат 2 нафар беморда чўлтоқнинг кучли ифодаланган невуси туфайли протезда юриш пайтида кучли оғриқ ва ноқулайлик пайдо бўлган. Уларда такрорий жарроҳлик амалиёти болдир чўлтоғининг иккиламчи пластикаси билан ўтказилди. Бу беморларда жарроҳлик йўли билан даволашнинг узок муддатли натижалари ижобий бўлди.

Беморларнинг умумий ҳолати, асосан, жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини танлашда асосий муаммо бўлиб ҳисобланган коморбидлик билан боғлиқ бўлган. Оёқлар ампутациясидан кейин беморлардаги сурункали интоксикация ва уларнинг ҳаракатсизлиги даволаш натижаларини фақат ёмонлаштирди. Шу муносабат билан, бемор қанчалик тез реабилитация қилинса, жарроҳлик амалиётидан кейинги яқин даврда умумий ҳолат шунчалик яхшиланиб боради.

Маълумотлар ва кўрсаткичлар асосида панжанинг кичик ампутацияси ва сон ампутацияси амалга оширилган беморлар бир-бирига жуда ўхшашлиги ва панжагангренази бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш учун янги ёндашувлар талаб қилиниши аниқланди.

Шундай қилиб, оёқ гангреназида оёқнинг дистал резекциясига қарамасдан, беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаётдаги ролли ҳолати кескин ёмонлашади. Жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда беморларни эрта ва тўғри реабилитация қилиш билан бу ҳолат яхшиланади ва оёқлар гангренази бўлган беморларни даволашда муҳим роль ўйнайдиган ҳамроҳ касалликларнинг кучайиши профилактикаси бўлиб ҳисобланади. Замонавий жарроҳликнинг ва умуман тиббиётнинг истиқболли йўналиши - бу оёқлар ампутацияси амалга оширилган беморларни тез реабилитация қилишга қаратилган янада оптимал ҳаракатлар алгоритмларини ишлаб чиқишдир.

Салбий натижаларни батафсил таҳлил қилишда оёқ гангренази бўлган беморларнинг ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган бир қанча омиллар аниқланди. Уларнинг орасида асосий сабаблардан бири панжанинг асосланмаган резекцияси («муаммо ечими») бўлиб, бу узок муддатли кузатишлар давомида ҳам жисмоний, ҳам психологик жиҳатдан бир нечта муаммоларга олиб келди. Бу, ўз навбатида, юзага келиши мумкин бўлган қийин вазиятларни тузатиш учун қўшимча чора-тадбирларни қўллашга олиб келди.

Ҳаёт сифатининг анча паст фоизи ва панжанинг чўлтоғи соҳасида ва сон соҳасидан ампутация амалга оширилганидан кейин такрорий жарроҳлик аралашувларнинг юқори кўрсаткичлари беморларнинг ушбу гуруҳини даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва мавжуд жарроҳлик тактикасини диабетик панжа синдроми фонида оёқларнинг гангренази бўлган беморларни даволашнинг яқин ва узок муддатларда ҳаёт сифатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Оёқларнинг гангренази бўлган беморларда ампутацияларнинг яқин ва узок муддатлардаги натижалари ва уларнинг**

беморларнинг ҳаёт сифатига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида асосий гуруҳ беморларини жарроҳлик даволаш натижалари таҳлил қилинди. Ушбу тадқиқотдаги барча беморларда (асосий гуруҳ – 163 нафар бемор) индивидуал мезонларга мувофиқ турли кўринишдаги оёқ ампутацияси амалга оширилган ва ҳар бир ампутация яқин ва узоқ кузатиш муддатларида ҳаёт сифатига таъсири бўйича алоҳида ўрганилди.

Аксарият ҳолларда беморлар бошқа тиббиёт муассасаларидан жарроҳлик аралашувидан кейин ёки уларсиз клиникамизга ётқизилган. Ушбу гуруҳда 163 нафар беморнинг 107 нафари (65,6%) оёқларида уларни сақлаб қолиш мақсадида турли жарроҳлик амалиётлари ўтказилган. Бунда, бармоқларнинг ампутацияси ва панжа флегмоналарини очиш устунлик қилди, бу операция қилинган беморларнинг ярмини ташкил этди.

Панжанинг метатарзал ампутацияси асосий гуруҳдаги беморларда камроқ амалга оширилган, бу гуруҳда 7,3% ни ташкил этди. Некротик тўқималарни олиб ташлаш 17,2% ҳолларда амалга оширилган.

Ушбу беморларда панжадаги жарроҳлик амалиётлари билан бир қаторда оёқларнинг периферик артерияларида ҳам реваскуляризацияловчи жарроҳлик амалиётлари амалга оширилган. Ушбу жарроҳлик амалиётлари очик ва ёпиқ, яъни эндоваскуляр усулда амалга оширилган.

Артериал қон оқимини тиклаш учун каминвазив эндоваскуляр жарроҳлик амалиётлари 82,8% ҳолларда амалга оширилган. Шу билан бирга, жарроҳлик амалиётларининг асосий улуши артерияларнинг балон ангиопластикасига тўғри келади - 64,4%. 14та (18,4%) ҳолатда периферик артерияларни стентлаш, 76 нафар бемордан 13 тасида (17,1%) қон томирларида очик жарроҳлик амалиётлари амалга оширилган.

